

**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларга хизмат қўрсатиш, ишлар
(шу жумладан жорий таъмирлаш) бажариш бўйича
№ 15-сонли ШАРТНОМА**

«15 июн» 2022 йил

Кўқон шахри

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «Кўқон Иншоат Қурилма» МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) номидан Х.Т.Азизов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилига асосан фаолият юритувчи **Кўқон шаҳар маданият бўлими** номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) бўлим мудири **Б.Р.Мардонқулов** ўрталарида куйидаги максадларда тузилди:

1. Шартнома моҳияти.

- 1.1. Ушбу шартнома моҳияти шундан иборат «Иш бажарувчи» Кўқон шаҳар Ёшлиар боғидаги пиёдалар йўлкасини брускатка билан коплаш ишлари (хизматлар)ни бажариб бериши.
- 1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати **292 950 000** (Икки юз тўқсон икки миллион тўккиз юз эллик минг) сўмни ташкил килади.
- 1.3. Бажариладиган ишлар(хизматлар)ни хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилган ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова килинади.
- 1.4. Ишлар (хизматлар)ни бажариш муддати: 30 кун

2. Хисоб-китоб шартлари.

2.1 Бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун хисоб-китоб келишилган нархларда, Справка счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб “Буюртмачи” томонидан кабул килиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланишуви учун бажарилиши лозим бўлган ишлар (кўрсатилган хизматлар)ни сметаси, калькуляция ва баҳолар преискурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Шартномани амал килиш муддати даврида ишлар (кўрсатилган хизматлар)ни бажарилиши учун зарур бўлган ресурслар ва хомашеларни ўртача нархлари ўзгарганда ўзаро тузилган қўшимча келишувга асосан ушбу ўзгарган нархлар бўйича хисоб-китоб амалга оширилиши мумкин.

2.2 «Пудратчи» ишлар (кўрсатилган хизматлар)ни бажаргандан сўнг ўзаро солишириув далолатномаларига асосан, ишлар (кўрсатилган хизматлар)ни киймати учун «Буюртмачи» пул ўтказиш йули билан «Иш бажарувчи»га тўловни амалга оширади. «Буюртмачи» олдиндан 30 % микдорида толовни амалга оширади, ҳамда тулик хисоб-китобни 10 кун ичидан амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% микдоридаги олдиндан тўлов, тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.

3. Томонлар хукуки ва мажбуриятлари.

3.1 «Пудратчи» ўз кучлари ва воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида кўзда тутилган ҳажмларда ва муддатида сифатли, техник талабларга жавоб берадиган даражада бажаради, бажарилган иш (хизматлар) учун сифатини тасдиқловчи хужжат (мувофиқлик сертификати ва санитария-тигиена сертификати ва хоказолар)ни тақдим этади ва тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Пудратчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки хаммаси сифатсиз бажарилганилиги аниқланиб тегишли равишда «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Пудратчи» томонидан ўз маблағлари хисобидан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3. «Буюртмачи» томонидан бажарилиши лозим бўлган ишлар(хизматлар)ни нуксон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Пудратчи» ни таъминлайди.

3.4. «Буюртмачи» бажарилган ишлар (хизматлар)ни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган ишлар (хизматлар) учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

4. Жарималар кўлланилиши.

4.1 Агар «Пудратчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Пудратчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган ишлар(хизматлар)нинг умумий кийматидан 50 %, лекин

шартноманинг 1.2 бандида қўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима кўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олиниади.

4.2 Агар «Пудрачи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Пудратчи» муддатида бажарилмаган ишлар (хизматлар)ни умумий кийматини 0.04% микдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

4.3 Қабул килинган ишлар (хизматлар) учун шартномада белгиланган муддат ичидаги асосиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган иш(хизмат) микдори суммасидан “Буюртмачи” томонидан 0.02 % микдорида “Пудратчи” га пеня тўланади.

4.4 Жарималар тўланиши «Пудратчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5. Форс-мажор.

5.1 Шартномада қўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошкенин, енғин, зилзила, бошқа табиий оғатлар ва хукуматнинг маҳсус қарорларини бажариш билан боғлик ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати.

6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

6.2 Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган ишлар (хизматлар) учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вакт белгиланади.

6.3 Шартнома куйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;

б) «Пудратчи» томонидан бажарилган ишлар (хизматлар)ни сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хуласа олинганда;

в) «Пудратчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1,3.2 бандлари бажарилмаганда;

г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Пудратчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д)нархлар ўзгариши натижасида маҳсулотларнинг, бажарилган ишлар (хизматлар)ни нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: б,в,г,д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Буюртмачи» «Пудратчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум киласида

7. Кўшимча шартлар.

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Иктисолий судлари оркали хал килинади.

7.2 Шартнома икки нусхада тузилиб, тегишли Фазначилиг бўлими томонидар рўйхатдан утгандан сунг ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сакланади.

7.3 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқлангандан сўнг амалга киритилади.

7.4 «Пудратчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Буюртмачи»га тақдим этади.

7.5 Шартномани бажарилиши учун таъљуқли хужжатларни хақкоғийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаетган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8.КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАРНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ.

8.1. «Буюртмачи» ва «Хизмат қўрсатувчи» ушбу шартнома бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупсиявий хатти-харакатларда қатнашмаслик, шу жумладан, ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг харакатлари ёки қарорларига таъсир килиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида:

Пора таклиф қилмаслик; ваъда бермаслик;

Пул тўламаслик; товламачилик қилмаслик;

бирон-бир Шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик; мол-мулк ёки мулкий хукуқларни олмаслик; ўз ваколатларини сунистеъмол қилмаслик мажбуриятини олади.

8.2. «Буюртмачи» ва «Сотувчи» атрофдаги шахслар томонидан коррупсияга оид хукуқбузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тайёргарлик кўриш сифатида

баҳоланиши мумкин бўлган ҳулқ-атвордан ўзини тийиши шарт.

8.3. «Буюртмачи» ва «Хизмат кўрсатувчи» Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дарҳол шартнома бўйича ўзидан бошқа тарафни хабардор килиши шарт.

8. Томонлар ҳукукий манзили ва банк реквизитлари.

<p>"Кўкон Иншоат Курилма" МЧЖ Манзил: Кўкон шаҳар Хамдам Оталик 32</p> <p>ХР : 20208000504617680001 МФО: 00973 Банк номти: Кўкон ш. АТБ Универсалбанк ИНН: 206 980 663</p> <p>Рахбар: M.O. X.Azizov</p> 	<p>«Маданият бўлими» Манзил: Кўкон шаҳар Озодлик хиёбони 10 а Телефон: 73-542-63-53 98-558-63-53 x/r 401722860304057089200056001 МФО 00973, ИНН 201160904 ОКОНХ 97600 Молия вазирлиги тағизачилиги х/р: 23402000300100001010 ИНН: 201122919</p> <p>Рахбар: B.R.Mardonkulov</p> 
-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.
Imzolovchi F.I.SH.	BAXODIR MARDONKULOV RAVSHANOVICH
Imzolangan sana	28.11.2022 13:42
Hujjat kodi	QP5448030174
Hulosa kodi	KY2162155034

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

KY2162155034

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Yoshlar bogi shartnoma**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: QO'QON SHAHAR MADANIYAT BO'LIMI tomonidan 25.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Qo‘qon shahar
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



O‘.X.XOSHIMJONOV

28.11.2022